



ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЎРИНДОШ СЎЗЛИ КОНСТРУКЦИЯЛАР

Шоира Батировна Юсупова
Доцент, филология фанлари номзоди
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон
E-mail: shoira.yusupova@mail.ru

Abstract: This article attempts to study the constructions of substitutes in modern English. The semantics and usage of their as in “a good one type” are analyzed with examples

Key words: word combination, substitutes, word, sentence, construction, noun, article, pronoun, meaning, determinant

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги замон инглиз тилида ўриндош сўзлар конструкциялари тадқиқ этишга ҳаракат қилинади. Уларнинг “a good one” типдаги турининг семантикаси ва қўлланилиши мисоллар ёрдамида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: сўз бирикмаси, ўриндош сўз, сўз, гап, конструкция, от, артикль, олмош, маъно, аниқловчи

Аннотация: В этой статье будут исследованы конструкции слова заместители в современном английском языке. Семантика и использование их типа “a good one” объясняются с помощью примеров.

Ключевые слова: словосочетание, слова заместители, слово, предложение, конструкция, существительное, артикль, местоимение, значение, определитель

Замонавий инглиз тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири унда қайта лексикалашган сўзларнинг алоҳида гуруҳи мавжудлигида бўлиб, уларнинг вазифаси – сўз бирикмаси ёки гапнинг тузилма жиҳатидан тугаллигини яратишдан иборат. Ҳар қандай тилда мавжуд бўлган субститутлардан фарқли ўлароқ, ўриндош-сўзлар нафақат матн ривожига, балки кўпроқ тилдаги мавжуд меъёрлар асосида айнан сўз бирикмаси ва гапнинг шаклланиш тузилма мақсадларига хизмат қилади. Ўриндош-сўзларнинг тузилмавий вазифаси уларнинг инглиз тилидаги бошқа субститутлар билан яқинлаштирадиган анафорик жиҳатдан қўлланиш имконини изоҳлабгина қолмай, балки ноанафорик қўлланишини ҳам тушунтиради[3.29]

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ноанафорик тузилмавий ўриндош-сўзларнинг ўзидан фарқли равишда анафорик ўриндош-сўзлар тузилмавий-лексик ўриндош-сўзлар деб номлаш қабул қилинган бўлиб, чунки қайта лексикалашадилар (яъни уларнинг коррелят билан қиёсланиши туфайли матнда муайян маъно қабул қиладилар)[2.115]. Барча тадқиқотчилар *a good one* типигаги конструкциялардаги *one* отлашган сўзини ва *do* феълени бир овоздан ана шу гуруҳга киритадилар: *He runs faster than his brother does*[1.96]. Замонавий инглиз тилида бу каби ҳолларнинг тарқалиши кўпинча тилшуносларнинг *a good one* типигаги сўз бирикмаси таркибигаги *one ўриндош-сўзлар* ҳозирги инглиз тилида фақат ўзлари позицион жиҳатдан тавсифланмаган сўзларга позицион тавсиф бериш воситаси сифатида қўлланиши деган нотўғри хулоса чиқаришларига сабаб бўлмоқда. Позицион тавсифига эга бўлмаган сўзлар гуруҳига умумий келишиқдаги отлар билан бирга, ижобий даражадаги, *one* иштирокидаги конструкцияларнинг аксарият қисмини ташкил этган сифатлар ҳам киради. Бироқ сифатдан кейин *one* мунтазам равишда тушиб қолиш ҳолларини тадқиқ этиш *one* нинг атрибутив сўз бирикмасини тузилмавий жиҳатдан тугаллаш воситаси сифатида қўлланиш сабаблари тўғрисидаги фикримизни тасдиқлайди. Сифатдан кейин келадиган аниқланмиш кўпинча ўрнига сўз келган от ҳисобланмайдиган нарса бўлганида, яъни бу *one* нинг ўз хусусияти, унинг сондан келиб чиқиши билан боғлиқ: *I like red wine better than white. He had known good luck and bad.*

Шу каби шароитларда *one* ҳар гал, сифатдан олдин, тушунча тоифасини кўрсатиш истагига кўрсатган ноаниқ артикль келган ҳолларда юзага келади: *This is a black winter, not a white one.* Демак, *one "det.+Attr.+N"* моделидаги сўз бирикмасида Attr. вазифасидаги ижобий даражадаги, яъни ушбу атрибутив сўз бирикмасининг энг кенг тарқалган кўринишидаги сифатлар сифат атрибутив функциясини аниқлаш воситаси бўлиб келмай, балки детерминатив тегишли бўлган N нинг мажбурий мавжудлигида бирлик сонда аниқланадиган уч аъзоли атрибутив конструкция яратиш зарурати билан изоҳланади. Шахс, буюм ёки мавҳум белги маъносини табақалаштириш имконига эга бўлмаган адъектив олмошлар кўпинча *one* билан бирга келадилар[1.56]. Масалан, *this va that* кўрсатиш олмошларининг шахс, буюм ва ҳодиса маъносини табақалаштириш имкони йўқлиги улардан кейин кўпинча *one* қўлланиш ҳолатини изоҳлаб беради: *The place I mean, is that one yonder (Doyle C.,p.44); There are other cases, but this one is quite sufficient to my purpose (Doyle C.,p.264).* *One* иштирокисиз *this va that* нинг қўлланиши муайян буюм(шахс)га эмас, балки бутун аввалги мулоҳаза, вазиятга ишора қилади: *Who's been telling you that? Was it like this when you were married?*

Адъектив олмошлардан кейин *one* қўлланмаслигида адъектив олмошлар мустақил равишда умумийлик ва хусусийликнинг грамматик маъносини бериши мумкинлиги ҳам муҳим ўрин тутиб, улар, одатда артикль билан бирга қўллана олмайдилар. Айнан шу сабаб туфайли адъектив олмошлар отнинг детерминативлари сифатида кенг қўлланадилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, замонавий инглиз тилида шахс, буюм ёки мавҳум белги маъносини табақалаштириш имконига эга бўлмаган адъектив олмошлар кўпинча *one* билан бирга келадилар. *One* сўзининг иккинчи, биринчисидан анча кеч (XIX аср) ва унга тобе бўлиб тараққий этган тузилмавий роли ушбу сўз ёрдамида аниқловчининг позицион тавсифини

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРЖИМАШУНОСИЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

ҳосил қилишдан иборатдир. Унинг бундай вазифаси аниқланмишга препозиядаги аниқловчили атрибутив сўз бирикмасида аниқловчи сифатида аниқлаш функцияси асосий бўлмаган сўзлар – асосан, умумий келишиқдаги отлар қўлланган ҳолларда намоён бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Чахоян Л.П. Очерки по историческому синтаксису германских языков. - Ленинград, 1991
2. Leech G. and Svartvik J. A Communicative Grammar of English. -London: Longman, 3rd editions, 2002
3. Leech G., Hundt M., Mair C. and Smith N. Change in Contemporary English: A Grammatical Study. -Cambridge: Cambridge University Press, 2009